

Қўлёзмаларнинг эркак ёки аёл томонидан бажарилганлигини аниқлаш методикаси

Маълумки, дастхатнинг ўзида уни бажарган шахс тўғрисида маълумот мавжуд. Хатни бажариш жараёнида ёзувчининг руҳияти, анатомик-физиологик ва бошқа ўзига хосликлар акс эттирилади. Бу маълумотларни шарҳлаб бериш ва дастхат бўйича шахс тўғрисидаги маълумотларни олиш хатшунослик экспертизасининг вазифаларидан биридир.

XX асрнинг 60-йилларида криминалистлар математиклар билан биргаликда амалиётда биринчи бор дастхатларнинг эркак ёки аёллар томонидан бажарилганлигини ажратиб олиш масаласини ҳал этишди. Дастхат ва шахснинг алоҳида хусусиятлари орасида ўзаро боғланишлар мавжудлигини аниқлашди. Олимлар эркак ёки аёл томонидан бажарилган қўлёзмаларда намоён этилувчи ҳар хил частотага эга статистик мажмуанинг микдорий мезонини топишди.

Эркак ёки аёллар томонидан бажарилган қўлёзмаларда турли жинсдаги шахсларнинг дастхатларида учрашиши мумкин бўлган алоҳида аломатларнинг мавжуд эмаслиги аниқланган. Аслида эркак ёки аёллар қўлёзмаларида учраб турувчи дастхат аломатларининг вариантлари фақат микдорининг фарқида, яъни уларнинг такрорланиш частотасининг ҳар хиллигидадир.

Тажрибавий иш жараёнида кўпроқ маълумотга эга бўлган аломатлар ажратилган ва қўлёзма ижрочисининг қайси гуруҳга тааллуқлиги тўғрисидаги хулосанинг ишончлилиқ мезонлари (статистик эҳтимоллик коэффициенти) аниқланади.

Бундай аломатлар ва уларнинг коэффициентлари сифатида қуйидагилар аниқланган:

сатр бошининг йўқлиги (статистик эҳтимоллик коэффициенти - 1,57) эксперт томонидан фақат қўлёзмада бу аломат мавжудлигида аниқланади;

«б», «в», «д» ҳарфларидаги сатр усти элементларининг ўлчами сатрдаги элементларнинг ўлчами (бўйи)га нисбатан аниқланади, *яъни: кичик - сатр усти элементлари сатрдаги элементларнинг баландлигидан ошмайди; ўртача - сатрдаги элементларнинг баландлигига тенг ёки бир қанча катта (лекин 1,5 ошмайди); катта - 1,5 га тенг ва ундан катта сатр элементларининг баландлигидан каттароқ;*

агар кўлёмаларда сатр усти элементларининг ўлчамлари кичик ўлчам чегарасида ётса, эксперт томонидан сатр элементларининг кичик ўлчами (статистик эҳтимоллик коэффиценти - 0,55) белгиланади;

сатр элементларининг ўлчамлари аниқ гуруҳ ўлчамларига тўғри келмаса, яъни кўлёмаларда кичик, ўртача ва катта ўлчамлар учраб турса, уларнинг ҳар хиллик (статистик эҳтимоллик коэффиценти - 1,31) аломати эксперт томонидан белгиланади;

харфлар сатр ости элементларининг ўлчами (статистик эҳтимоллик коэффиценти - 0,57) қуйидагича аниқланади: кичик - сатр элементларининг баландлиги 1,5 ўлчамдан ошмаслиги; ўртача - ўлчамлар - 1,5 дан 2 гача; катта - 2 ва ундан юқори ўлчамда.

Шундай қилиб, «сатр ости элементларининг ўртача ўлчами» эксперт томонидан фақат кўлёмаларда сатр ости элементи сатрдаги элементларнинг ўртача баландлигининг 1,5 ўлчамига тенг ёки унинг иккита ўлчамидан ошмаса шу ҳолатда белгиланади.

«А» ва «д» харфларининг сатр ости элементини бажаришда ҳаракатлар бошланиш нуқтасининг жойлашиши қуйидагича белгиланади:

- агар кўлёмаларда ҳаракатларнинг бошланиш нуқтаси чап томондаги каби, ўнг томонда ҳам жойлашган бўлса, нотурғун (статистик эҳтимоллик коэффиценти - 0,67) барқарор бўлмаган ҳолатда;

- агар матннинг бутун давоми бўйича бу нуқта чап томонда жойлашса, чап томонда жойлашиш каби статистик эҳтимоллик коэффиценти - 2,43 қайд этилади;

- «й» харфининг сатр усти элементининг ўлчами (сатр усти элементининг жойлашишига нисбатан) сатрдаги харфнинг энига ёки бўйига нисбати бўйича аниқланади: кичик - (эни) бўйининг $\frac{2}{3}$ ўлчамидан кичик; ўртача - $\frac{2}{3}$ дан 1 бутунгача; эксперт томонидан (статистик эҳтимоллик коэффиценти - 1,35) ҳисобланади, агар сатр ости элементи турли тузилишга (тўғри чизиқли, бурчаксимон, қавариқ) эга бўлса;

- йўналиш ҳаракати чап айланали қавариқ тузилишли (статистик эҳтимоллик коэффиценти - 0,35) аломати белгиланади, агар «й» харфининг сатр усти элементи унинг тузилишига боғланмаган ҳолда, албатта, чап айланали ҳаракат билан бажарилган бўлса.

Эксперт қайд этади - «д» ва «у» харфларининг сатр ости элементларининг тузилиши (статистик эҳтимоллик коэффиценти - 0,68) сиртмоқсимон тузилиш аломатига эга, агар кўлёмаларда бу шаклдан аҳамиятсиз четлашлар учраб турса эксперт томонидан белгиланади

- турли тузилишдаги аломатнинг статистик эҳтимоллик коэффиценти

- 1,36, агар қўлёмаларда фақат «д» ёки «у» ҳарфида бу ҳарфларнинг элементлари турли шаклда бўлса ёки униси ва бунисида ҳам кузатилса.

«Р» ҳарфидаги биринчи элементининг нисбий ўлчами «р» ҳарфининг биринчи элементининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ва у тепа чизиқларига нисбатан жойлашиш нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

Биринчи элементнинг сатр усти қисми мавжудлиги аломати (статистик эҳтимоллик коэффиценти - 0,56) эксперт томонидан қайд этилади, агар қўлёмда биринчи элементнинг бош қисми сатр чизиғидан (ўлчами ва шаклига боғлиқ бўлмаган ҳолда) юқорида жойлашган бўлса.

Эксперт биринчи элементнинг сатр усти элементининг йўқлигини (статистик эҳтимоллик коэффиценти - 1,96) белгилайди, агар биринчи элементнинг бош қисми чизиқларнинг учидан пастроқда жойлашса.

Биринчи элементнинг сатр усти қисми ўлчамининг бир хил эмаслиги (статистик эҳтимоллик коэффиценти - 0,68) эксперт томонидан белгиланади, қачонки «р» ҳарфида биринчи элементнинг бош қисм чизиқ учларининг тепаси каби бу чизиқдан пастда жойлашса ҳам.

«Р» ҳарфини бажаришда ҳаракатнинг йўналиши ўнг айланали (статистик эҳтимоллик коэффиценти - 1,87), агар эксперт томонидан шу ҳолатда белгиланиши керакки, қачон қўлёмда сатр ости ёки сатрдаги элементлари ўнг айланали ҳаракат билан бажарилган «р» ҳарфининг фақат шундай вариантлари мавжуд бўлса.

«п», «т», «и», «ш», «у», «ц», «щ» ҳарфларидаги бошланғич штрихлар эксперт томонидан ёйсимон (статистик эҳтимоллик коэффиценти - 0,57) каби қайд этилади, агар тадқиқ этилаётган қўлёмда кўрсатилган ҳарфлар (барчаси ёки улардан айримлари) бошланғич ёйсимон штрихларга эга бўлса. «Рефлектор» деб номланувчи штрихлар эътиборга олинмайди.

«к», «н», «и», «ш», «у», «ц», «щ» ҳарфларида бошланғич штрихларнинг мавжуд эмаслиги (статистик эҳтимоллик коэффиценти - 0,82) эксперт томонидан қайд этилади.

Сатр усти элементли «д» ҳарфининг мавжудлиги (статистик эҳтимоллик коэффиценти - 1,96) эксперт томонидан қайд этилади, агарда қўлёмда ушбу ҳарфларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлмаган ҳолда бўлса.

Дастхатлар аёл ёки эркак томонидан бажарганлигини ажратиблишнинг ишлаб чиқилган методикасини фақат ишлови ва ўзгартирилмаган дастхатлар учун қўллаш мумкин.

Қўлёзма матни ҳажм бўйича (стандарт қоғознинг 1 варағидан кам бўлиши мумкин эмас) етарли бўлиши керак. Баён этилган методика фақат эҳтимолли хулосани кўзда тутди.

Дастхатнинг ўлчамига боғланмаган ҳолда сатр усти ва сатр ости элементларининг параметрларини эксперт махсус ўлчов чизғич ёрдамида аниқлаши мумкин.

Қўлёзма аёл ёки эркак томонидан бажарилганми, деган масалани ҳал этишда, эксперт ҳужжатлар билан ишлашда маълум қоидаларга риоя қилиши керак. Хусусан:

1) маълумот берувчи аломатларни аниқлаш мақсадида қўлёзма-ни ўрганиб чиқиши;

2) аниқланган аломатларни ва эҳтимоллик статистик коэффи-циентларини қоғоз варағида қайд этиши;

3) аниқланган аломатларнинг коэффицентларини кўпайтириб, уларнинг кўпайтмасини олиши;

4) олинган статистик эҳтимоллик коэффицентларининг кўпайт-масини тушунтириши, яъни агар кўпайтма бирдан катта бўлса, унда қўлёзма, авваламбор, эркак томонидан бажарилганлиги эҳтимолли-роқ, агар бирдан кичик бўлса — аёл томонидан;

5) хулосани хатшунослик экспертизалари учун хос бўлган оддий шаклда ёзиш лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Yugay, Lyudmila. "Biometric identification as an innovation in criminalistics." *Society and innovations, Special 07* (2022): 289.
2. Югай, Людмила. "Судебно-экспертная деятельность в Республике Узбекистан в эпоху цифровизации." *Современные тенденции развития цифровизации в сфере юстиции 1.1* (2022): 35-40.